# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi | www.qishloqhayoti.uz | 2012-YIL 27-NOYABR, SESHANBA, 139 (8064)-son | 1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | Bahosi kelishilgan narxda.




Фермер бир тутам майсани синчиклаб кўздан кечирди. Санаса, бир тупи бешта, икки тупи тўрттадан ён туплар чиқарибди. Яқин кунларда экиннинг тиним даври бошланади. Демак, ғалла ўртача тўрттадан туплаган ҳолда тинимга кираяпти. Бултур бу пайтда атиги 2 тупдан тупланишга эришилганди...

2





Қировли кунлар ва иситиш мавсуми бошланиши билан, шунингдек, Янги йил байрами арафасида ёнғинлар хавфи янада ошади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига биноан 20 ноябрдан мамлакатимизда ҳар йили ўтказиладиган Ёнғин хавфсизлиги ойлиги бошланди.

2





Яқинда Малайзияда чоп этиладиган оммабоп «Gaya Travel» журналининг юртимиз сайёҳлик салоҳиятига бағишланган махсус сонида журналист Жереми Халилнинг мақоласи босилиб чиқди. Унда муаллифнинг «Мега-инфотур» дастури доирасида Ўзбекистон бўйлаб сафаридан орттирган таассуротлари ўз аксини топган.

4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

## Куннинг муҳим воқеалари

► Китоб туманидаги «Новқот соҳибкори» фермер хўжалигида боғ ва токзорларда агротехника тадбирларини амалга оширишга бағишланган ўқув-семинар ўтказилди. Семинар илмий-тадқиқот институтларининг олим ва мутахассислари томонидан мавзуга оид слайд ва кўргазмалардан фойдаланган ҳолда олиб борилди. Боғ ва токзорларда амалга ошириладиган агротехника тадбирларини сифатли ва самарали ўтказиш усуллари муҳокама қилинди.

► **Жорий йилнинг август ойида Жанубий Кореянинг Кванжу шаҳрида Осиё достончилик санъати қўмитаси томонидан халқ оғзаки ижоди меросини асл ҳолича асраш ва келажак авлодларга етказиш мақсадида эртак, афсона ва эпослар сценарийлари халқаро танлови ўтказилган эди. Ўндан ортиқ мамлакатдан икки юздан зиёд киносценарий тақдим этилган ушбу танловда мамлакатимиз киноижодкорларининг «Алпомиш» киносценарийси энг олий мукофот – Гран-прига сазовор бўлди. Шунингдек, «Шаҳзода Шерзод саргузаштлари» киносценарийси танловнинг «Энг яхши киносценарий» номинацияси совриндори бўлди.**

► Навоийдаги "Дори-дармон" очиқ акциядорлик жамияти қошида ташкил этилган "Авиценна" ишлаб чиқариш фирмасида йод, этил спирти тайёрлаш йўлга қўйилди. Айни пайтда вилоятнинг барча туман ва шаҳар марказларида мазкур жамиятнинг дорихоналари фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ врачлик пунктлари ҳузурида эса уларнинг филиаллари ишлаб турибди. "Авиценна"да ишлаб чиқарилаётган дори воситалари ана шу дорихоналарга етказиб берилмоқда.

*Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.*

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 41-модда)





# КАМОЛОТГА ЭЛТУВЧИ МАСКАН

**МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШ АВЛОДНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА БАРКАМОЛ ВОЯГА ЕТИШИ УЧУН АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК КЎРСАТИЛМОҚДА. ХУСУСАН, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ – ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА САЛМОҚЛИ ЮТУҚЛАРГА ЭРИШИЛАЁТИР.**

Китоб туманидаги 4-умумтаълим мактабида 1 минг 235 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Замонавий шарт-шароитга эга таълим даргоҳида маънавий-маърифий ва синфдан ташқари ишларнинг кенг йўлга қўйилиши, мураккаб мавзуларни ўзлаштиришда ўқувчилар билан индивидуал иш олиб бориш таълим-тарбия самарадорлигини ошириш имконини бермоқда. Дарсларни давлат стандартлари асосида ташкил этиш, доимий изланиш ва янгилик яратиш иштиёқидаги фан ўқитувчилари илғор педагогик технологиялардан самарали фойдаланаётир.

**СУРАТДА:** *ўқитувчи Азиза Муҳаммадиева 1-синф ўқувчиси Жасмина Саидова билан.*

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

Самарқанд Вилояти

▼ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА

# БОЛАЖОНЛАР МЕҲР ОҒУШИДА

**Самарқанд шаҳридаги 121-мактабгача таълим муассасасида айни пайтда 401 нафар бола тарбияланади. Бу ерда янги педагогик технологиялар, ноанъанавий иш услубларини амалиётга жорий этиш, «Боғча-оила-мактаб-маҳалла» ҳамкорлиги асосида болаларни мактаб таълимига тайёрлашга доим эътибор қаратилади.**

— Муассасамизда тарбияланувчиларнинг эҳтиёжи ва қизиқишидан келиб чиққан ҳолда, ота-оналарнинг талабларини эътиборга олиб, инглиз тили, рус тили, гимнастика, «Ўйнаб ўрганамиз» каби тўгараклар ташкил қилинган, — дейди муассаса мудираси Дилором Мамедова. — Машғулотлар тасдиқланган жадвал асосида олиб борилади.

Мазкур муассасанинг тажрибалари шаҳар бўйича оммалаштирилаётгани бу ердаги изланишлар, интилишлар натижасидир. Муассаса жамоаси Самарқанд педагогика коллежи билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Коллеж ўқувчилари амалиётни асосан шу ерда ўташади. Яна бир аҳамиятли жиҳати мактабгача таълим муассасасининг ўз боғи бор. Қора анжир, сариқ анжир, хурмо, ёнғоқ, қорали, марварид тут, олма, ўрик каби мевали дарахтлар 500 тупдан ортиқ. Улардан боғча жамоаси, тарбияланувчилар баҳраманд.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# ҚУТЛУҒ АЙЁМ ШУКУҲИ

**Мамлакатимиз аҳли Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллигини чексиз севинч, фахр-ифтихор туйғулари билан кутиб олмоқда. Бу севинч, бу фахр-ифтихор бежиз эмас. Навқирон давлатимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллигига мантиқан боғланиб, мазмунан уланиб кетаётган ушбу муборак айёмнинг замирида теран ҳикмат, улуғвор ҳислату фазилат бор. Халқимизнинг, миллатимизнинг асрий орзу-умидлари ижобати айнан ана шу муқаддас ҳужжатда, ҳаётимизнинг бош қонунида ўз инъикосини топгандир. Шу боисдан ҳам биз уни чексиз меҳр ила ифодали қилиб "Бахтимиз Қомуси", деб атаймиз. Ва у шундай шарафли унвонга лойиқ ва муносибдир.**

Унинг муқаддимасида халқимиз ушбу Конституцияни инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинаётганлиги аниқ ва равшан битиб қўйилган. Бинобарин, биринчи моддасидаёқ қалбимизни чексиз ғурурга тўлдирувчи, замирига комил ишонч ва қатъият сингдирилган ушбу сўзлар бор: "Ўзбекистон — суверен демократик республика". Ана шу қисқагина жумланинг қиймати асрлар, минг йилликлар билан ўлчаниши ҳеч биримизга сир эмас.

*"Ўзимни мозийнинг бағрига урдим*
*Ва шу он шукрона айтиб қайтдим мен.*
*Кимдир кўрмай кетган бахтни мен кўрдим,*
*Кимдир айтолмаган сўзни айтдим мен..."*

деб ёзган эди шоиримиз.

Чиндан ҳам не саодатким, орзуманд аждодларимиз интилган улуғ мақсадга эришиш бугунги авлодга насиб этди. Ана шу юксак толе ўчмас қилиб битилган, озод мамлакатнинг озод фарзандларининг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган, Ватан, халқ, жамият олдидаги масъулияту мажбуриятлари ифодаланган Конституциямиз баркамол ёшга кирмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида у Мустақил давлатимиз, навқирон жамиятимиз билан бақамти улғайди, такомиллашди, мукаммаллашди. Бугунги кунда уни мазмун-савияси жиҳатидан ер юзидаги энг юксак даражали Конституциялардан бири сифатида бутун дунёда ҳаққоний эътироф этмоқдалар.

Ана шуни англаб, ана шундан сурурланиб, ғурурланиб, юртимиз аҳли ушбу санага беҳад юксак ижтимоий-иқтисодий, маънавий кўтаринкилик вазиятида муносиб ҳозирлик кўрмоқда. Мамлакатимиз Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллик санасини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги фармойиши бу борада дастуриламал бўлмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Сурхондарё Вилояти

# КУН ТАРТИБИДА – ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

**Сурхондарё вилояти хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда таъкидланганидек, вилоятда Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.**

Оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини ошириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик содир этилишининг олдини олиш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хотин-қизлар ижтимоий, саноат, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик каби кўплаб соҳаларда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Конференция кун тартибидаги масалалар бўйича сўзга чиққанлар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг Низомига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда хотин-қизларнинг ролини ошириш, давлат ва жамият қурилишида уларнинг кенг иштирокини таъминлаш бўйича 2012-2014 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури" юзасидан ўзларининг таклиф-мулоҳазаларини билдиришди.

Конференцияда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Мавлуда Қобулова вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимига сайланди. Шунингдек, қўмита бошқарув ва тафтиш комиссияси аъзолари ҳамда республика Хотин-қизлар қўмитаси анжуманига делегатлар сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

**Чори ЖУМАҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

«Обуна — 2013»





## Азиз юртдошлар!

Қишлоқларимиз ҳаёти,
Ислоҳотлар самараси,
Шу куннинг нафаси,
Лавҳаларда акс этган жараён,
Орамиздаги фидойи одамлар,
Қизиқарли маълумотлар,
Ҳаётнинг долзарб муаммолари,
Ахборот ва воқеалар тафсилоти,
Ёшларга берилаётган имкониятлар,
Техник ва технологик янгиланишлар,
Инновацион лойиҳалар

*билан яқиндан танишай десангиз, «Qishloq hayoti» газетасига 2013 йил учун обуна бўлинг!*

Қашқадарё Вилояти

# ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ КАФОЛАТЛАРИ

**Сайидо Насафий номидаги вилоят ахборот-кутубхонасида адлия бошқармаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, савдо-саноат палатаси, тадбиркорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.**

Давра суҳбатида юртимизда тадбиркорлик соҳаси бўйича қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти, уларнинг ижроси ва амалиётда қўлланилиши масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Тадбирда таъкидланганидек, жорий йилнинг ўтган даврида кичик бизнесни ривожлантиришга, хорижий инвестицияларни жалб этилишини рағбатлантиришга оид кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонун, Президентимизнинг "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари бу борадаги ҳуқуқий имтиёз ва кафолатлар тизимини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, давра суҳбати қатнашчиларига тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш мақсадида қабул қилинган "Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига қўшимчалар киритиши ҳақида"ги Қонун мазмун-моҳияти ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берилди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

